2007 йил — Иҳтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

18 (568)

2007 йил 2 май

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Қарши «Челенжер»га мезбон бўлади

▶ Мувофиқлаштириш — назорат эмас!

3 ▶ Агар отангиз ўз исмини ўзгартирса...

▶ Ўнта бўлса ҳам, ўрни бошқа болалар

4 ▶ «Боқиб ибрат била ўтмиш замона...»

▶ Хас-хашақдан ясалган гўзал ...гулдаста

АВТОМОБИЛСОЗЛИККА ОИД ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда General Motors-DAEWOO Auto and Technology (GMDAT) компанияси президенти Майкл Гримальдини қабул қилди.

— Ўзбекистонга ушбу ташрифингиз мамлакатимиз автомобилсозлик саноати билан яқиндан танишиш, ўзаро ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

GMDAT 2002 йилда General Motors корпорацияси томонидан Корея Республикасининг DAEWOO Motors компанияси заводлари сотиб олиниши натижасида ташкил топган. DAEWOO Motors эса Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг янги соҳаси — автомобилсозликни ўзлаштиришда муҳим ўрин тутган. Унинг сармояси иштирокида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ташкил этилди ва 1996 йилдан буён ҳар йили бир неча турдаги ўн минглаб енгил автомобиль ишлаб чиқарилмоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу завод энг илғор технологик ускуналар, ноёб техника билан жиҳозланган. Унинг маҳсулотлари нисбатан арзонлиги, қулайлиги, замонавий техник талабларга жавоб бериши билан наинки юртимизда, балки хорижда ҳам жуда харидоргир.

Асакадаги корхонадан дастлаб «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари чиққан бўлса, кейинчалик улар сафига «Матиз» қўшилди. Бугунги кунда «ЎзДЭУавто» ўз мижозларига янада замонавий автомобиль — «Ласетти»ни ҳам таклиф қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш изчил давом этмоқда. Жорий йил охиригача бу борадаги кўрсаткични 60 фоизга етказиш мўлжалланган.

«ЎзДЭУавто»нинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси катта. Корхона ҳар йили ички бозорга қарийб 60 минг, ташқи бозорга эса салкам 80 минг автомобиль чиқаради. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон автомобиллари Россияда энг кўп сотиладиган хориж автомобиллари сафидан мунтазам жой олмоқда. Корхона 2008 йилдан тўла қувват билан ишлашга ўтади, бу йилига 200 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш имконини беради.

Заводнинг ижтимоий аҳамияти ҳам катта — мамлакатимизнинг аҳоли энг зич яшайдиган вилоятида минглаб одамлар иш билан таъминланди. Ўтган йиллар давомида корхонада юксак малака ва чуқур билимга эга, юқори технологияли ускуналар билан бемалол "тиллаша" оладиган меҳнат жамоаси шаклланди. Бошқача айтганда, «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати эканлигини, халқимизнинг беқиёс бунёдкорлик салоҳиятини тўла намоён этган замонавий корхоналардан биридир.

GMDAT компанияси DAEWOO Motorsнинг кўплаб хорижий ҳамкорлари билан алоқаларни давом эттирмоқда. Унинг маҳсулотлари дунёнинг қарийб 150 мамлакатида сотилади. 2006 йилда GMDAT Жанубий Кореядаги энг жадал ривожланаётган автомобилсозлик компанияси сифатида эътироф этилди. Мамлакатда саноатнинг бу турида умумий ўсиш 3 фоизни ташкил этган бўлса, GMDATда 32 фоизлик кўрсаткич қайд қилинди. У 2005 йилда 1,050 миллион, 2006 йилда 1,397 миллион дона автомобиль экспорт қилди (ички бозор учун — 100 мингдан зиёд). 2007 йилда бу кўрсаткични 1,726 миллионга етказиш режалаштирилган.

Оқсаройда бўлган учрашувда Майкл Гримальди GMDAT компанияси ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Музокарада «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан GMDAT ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларига доир масалалар муҳокама қилинди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 62 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 50 000 (эллик минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 27 апрель

Спорт

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Германиянинг Берлин шаҳрида 64 катакли шашка бўйича 12 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Гулсум Алиева классик шашка беллашувларида олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўлди.

Мазкур нуфузли мусобақада терма жамоамиз аъзоларидан Саидқосим Алиев шоҳсупанинг иккинчи поғонасини эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Нурали Раҳматов кучли бешликдан жой олди.

Жаҳон чемпионатида қатнашган ҳар учала шашкачимиз 22-31 март кунлари пойтахтимизда ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, Германияда ўтказиладиган мусобақада Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Байрам яқин, мукофот ҳам нақд экан-да!

ТТЗдан ЯНГИ ТРАКТОР

бир йиллик синов муддатидан сўнг мунтазам ишлаб чиқарила бошланади

Айни пайтда "Тошкент трактор заводи" ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги тракторлар замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Яқинда бу ерда "ТТЗ—810" русумли янги трактор ишлаб чиқилди. Ушбу янги техника воситасига буюртма асосида 80 от кучидан 120 от кучига қадар қувватга эга бўлган мотор ўрнатиш мумкин. "ТТЗ—810" тракторларини бир йил давомида синовдан ўтказиб, сўнг мунтазам равишда ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Учрашув-мулоқот

"ҲАРБИЙ БЎЛИШ ОРЗУСИДАМАН"

коллежда ўтказилган тадбирда кўпчилик ёшларнинг қарори шундай бўлди

Бугунги кунда Ватанга юксак муҳаббат, жасурлик руҳида камол топаётган юртимиз ўғлонлари орасида нафақат ўз йигитлик бурчини ўташ учун ҳарбий хизматга бориш иштиёқидаги, балки келажакдаги фаолиятини Ватан мудофаасига боғлаш истагидаги ёшлар талайгина. Энг қувонарлиси, улардаги бу орзу-интилишлар шунчаки ҳавас эмас, аксинча қатъий мақсадлар меваси.

Яқинда Жомбой маиший касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбирда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ўқув даргоҳида коллежнинг битирувчи талабалари билан Чирчиқ Олий Танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқитувчилари ўртасида учрашув ўтказилди. Тадбир чоғида маълум бўлдики, коллежимиз битирувчилари орасида ҳарбий бўлиш истагидаги ёшлар кўп экан. Улар ҳарбий олийгоҳдан ташриф буюрган ўқитувчи-мураббийлар билан мулоқот қилдилар. Чирчиқ Олий Танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра мудири, подполковник А.Сайиткулов ўқув юртида яратилган шарт-шароит, унга қабул қилиниш учун топшириладиган имтиҳонлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Учрашувда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳамда Жомбой тумани ҳокимлиги вакиллари ҳам иштирок этди.

Б.ЎРОҚОВ, Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари.

Самарқанд вилояти

ПИЛЛАКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Бу йил Самарқанд тумани пиллакорлари 1 минг 121 қути ипак қурти боқади. Айни пайтда пиллакорлар учун зарур шарт-шароит яратишга, уларни рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавсум бошланиши билан пиллакорларга бўнак пули тарқатилди.

Наврўз қишлоғида истиқомат қилувчи Соҳиба Абдуллаева қарийб 35 йилдан буён пилла етиштиради. Бу йил онахон оила аъзолари билан 4,5 қути ипак қуртини парваришламоқда.

— Ипак қурти меҳрталаб жонивор, шу боис бу ишга сидқидилдан ёндашамиз, — дейди Соҳиба опа. — Кейинги йилларда меҳнатимиз тобора қадрланаётганидан хурсандмиз. Бу йил 250 килограмм сифатли ҳосил топширишни мўлжалламоқдамиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.

Сурхондарё вилояти

ТОРТУВЛИда ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Сариосиё тумани Тортувли қишлоғида 720 ўринли маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Замонавий меъморчилик услубида қад ростлаган ушбу муҳташам коллеж "Сариосиёсаноат-қурилиш" инжиниринг компанияси томонидан бунёд этилди. Бу ерда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига доир ўн йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

— Бунинг учун ўқув даргоҳида барча қулайликлар яратилди, — дейди инжиниринг компанияси раҳбари Фахриддин Низомиддинов. — Ўқувчилар замонавий анжомлар билан жиҳозланган кенг ва шинам хоналарда таҳсил олади. Кўркам спорт зали, кутубхона, барча зарур ускуналар билан таъминланган устахоналар ҳам улар ихтиёрига берилган.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

105 ЁШЛИ "ОТАЖОН ПЎЛАТ"

у табаррук ёшини маҳалладошлари даврасида нишонлади

Яқин-яқинларда ҳам бу инсонни Элликқалъа туманининг маркази — Бўстон шаҳрида кўриб, илиқ суҳбатлашар эдик. Юз билан юзлашган Отажон бобо туман марказлашган кутубхонасига келиб, янги газета-журналлар билан танишарди. Отахоннинг ўзи истиқомат қиладиган овули — Қошқўрадан 35 километр йўл босиб автобусда келишини, шаҳар кўчаларида қаддини тик тутиб, тез-тез одимлашини кўриб, унинг юз ёшдан ҳам ошиб кетганига ишониш қийин эди...

Отажон бобо Каримов ўтган аср бошида, аниқроғи 1902 йилда таваллуд топиб, кўп йиллар Сарибий қишлоғидаги мактабда ўқувчиларга дарс берди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида эса овулдаги ёшларга эски ўзбек ёзувини қунт билан ўргатди.

Бобонинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб баҳоланиб, унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвони берилди. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида эса Президентимиз Фармонига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Отажон бобо Каримов қобил ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказди, уларни эл хизматига қўшди. Бугун неваралари, эваралари, чеваралари хонадонига йиғилса, тўй бўлиб кетади: ахир, уларнинг сони 78 нафарга етган-да! Отахондан кўп умр кўриш сирини сўраганимизда, у киши мийиғида кулиб: — «Бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Аллоҳнинг бергани. Мен умримда ёлғон-яшиқ гап айтмаганман, бировга туҳмат қилмадим, папирос чекмадим, спиртли ичимликни мутлақо ичмаганман», — дея жавоб берди.

Дарвоқе, яна бир гап. Отажон бобонинг жияни, 45 йил маданият соҳасида хизмат қилган Ҳожибой Исмоиловнинг гувоҳлик беришича, отахон ўзи яшайдиган хонасида қишин-ёзин иситгич ишлатмаган эканлар. Шунинг учун ҳам у кишини Элликқалъаю Тўрткўл туманларида кўпчилик "Отажон пўлат" деб ҳам аташади.

Асил БЕК, "Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Қашқадарё вилояти

Хотин-қизлар жиноятга қўл урмасин

Сўнгги йилларда Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари асосида жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилишига қарамай Қарши шаҳар ҳокимлигига айрим маҳаллаларда жиноятчиликнинг ортиб бораётганлиги тўғрисида маълумот келди.

Шу боис ҳокимлик тегишли ташкилотларга шаҳардаги мавжуд 62 та маҳаллада мазкур маълумотни ўрганиб чиқиш ва қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирларини белгилашни топширди.

Текширувлардан маълум бўлдики, жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида шаҳар ҳудудида жами 170 та жиноят рўйхатга олинган. Ачинарлиси, бу жиноятларнинг 21 таси аёллар томонидан содир этилган. Геолог маҳалласида 2006 йилнинг икки ойи давомида фақат битта жиноят рўйхатга олингани ҳолда, жорий йилда бу кўрсаткич 4 тага, Мустақиллик маҳалласида эса 3 тадан 11 тага кўпайган. Бундай салбий кўрсаткичларни Хўжахиёл ва Боғишамол маҳаллаларида ҳам кузатиш мумкин.

Айниқса, аёллар ўртасида гиёҳвандлик, фирибгарлик, безорилик ва қўшмачилик каби жиноятларнинг содир этилаётгани масалага жиддий ёндашишни талаб этади. Дилни хира қилгувчи юқоридаги каби маълумотлар Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармони етарли даражада ўрганилмаганлиги ва ҳаётга татбиқ этилмаётганини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда профилактика инспекторлари ўртасида узвий алоқа йўлга қўйилмаганлиги, ишда ўзаро ҳамкорлик қилинмаётганлигининг оқибатидир. Вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва бошқа масалалар бўйича қатор тадбирлар белгилаб олинди.

МУХБИРИМИЗ

Ифтихор

СПОРТ: ЭНДИ НАВБАТ "ЧЕЛЕНЖЕР" ТУРНИРИГА

ёки ҳақиқатга айланган башорат

...Баъзан кечамиз ва бугунимизга боқиб, рақамларни таққослаб, "ким эдигу, ким бўлдик", деган фикр-ўйлар кўнглимиздан ўтади.

...Юртбошимиз кўп йиллар бурун Қашқадарёда спорт масалалари билан қизиқиб, шундай деган эдилар:

— Ҳали мени айтди дерсизлар, кўп ўтмай бу соҳада ҳам Қашқадарё ўз ўрнига эга бўлади. Ишонинг, спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар айнан шу вилоятда ўтказиладиган бўлади.

Бугун бу башорат ҳақиқатга айланганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз. Масалан, ўтган йили мамлакат ёшларининг ўзига хос Олимпиадасига айланган республика мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари айнан Қашқадарёда ўтказилди. Орадан озроқ вақт ўтиб, Олимпия шаҳарчаси Аёллар спартакиадаси хотин-қизлар республика босқичи иштирокчиларини кутиб олди. Бугунги кунда вилоят маркази — Қарши шаҳри спортнинг 10 дан ортиқ турлари бўйича замонавий спорт базаларига эга. Халқаро талабларга жавоб берадиган 3 та стадион, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзаси, гимнастика манежи мавжуд.

Осмондан олиб эмас, борини айтмоқ мақтанишга йўйилмаса керак. Вилоятнинг бирйўла учта футбол жамоаси олий лигада мамлакат биринчилиги учун ўтказилаётган мусобақаларда тўп сураяпти.

Биргина 2006 йил давомида 10 дан ортиқ нуфузли халқаро ва республика мусобақалари айнан Қашқадарёда ўтказилди. Бир вақтлар Юртбошимиз лутф айлаган ва ҳар бир қашқадарёлик орзу қилган дамларнинг келгани шу эмасми?

Мана, яқиндагина Қарши Олимпия заҳиралари спорт коллежи манежида каратэ бўйича катталар ўртасида VII Ўзбекистон чемпионати ўтказилиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган энг сара спортчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Унда қашқадарёликлар умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Чемпионатнинг ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида вилоятимиз спортчиларидан Ноил Каспўлатов,

Нодир Хўжаев, Илҳом Каримов ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритган бўлсалар, қизлар ўртасида Мадина Рустамова, Люция Бойбўлатова ҳамда София Каспўлатовалар чемпионликни тантана қилишди.

1998 йилда вилоят марказида замонавий теннис корти мажмуаси қурилиб, ҳар йили "Фьючерс" халқаро теннис турнири ўтказиб келинаяпти. Бу йил эса "Челенжер" мусобақаларини ўтказиш мўлжалланмоқда. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, бу турнир нуфузи жиҳатидан "Фьючерс" турниридан анча юқори ҳисобланиб, унда дунё рейтинг жадвалида дастлабки юзликка кирган теннисчилар иштирок этади. Шу боис бундай турнирни ўтказиш имконини ҳар ким ҳам қўлга кирита олмайди. Аввало, мусобақа ўтадиган жойда барча шароитлар муҳайё этилган бўлиши керак. Ташкилотчилар бу нуфузли турнирга тайёргарликни қизғин бошлаб юбордилар. Клубни қайта реконструкция қилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Август ойига қадар таъмирлаш ишлари тўлиқ тугалланади. Корт эса ўзгартирилмайди. Негаки, унинг ҳозирги ҳолати халқаро талабларга жавоб беради. Бундан тўққиз йил илгари француз мутахассислари томонидан ётқизилган махсус қоплама бугунгача яхши ҳолатда сақланган.

"Челенжер" мусобақаларини ўтказиш талаби жуда қатъиқ. Ҳар бир спортчи учун алоҳида ювиниш, ечиниш хоналари бўлишидан ташқари замонавий меҳмонхоналар, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган теннис кортлари талаб қилинади. Қаршида бунинг учун тўлиқ имконият мавжуд. Яна энг муҳими, "Фьючерс" турнирининг мукофот жамғармаси 15 минг АҚШ долларига тенг бўлса, "Челенжер"да бу жамғарма миқдори 35 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, 19-26 август кунлари ўтказилиши режалаштирилаётган "Челенжер" турнири Қашқадарёда спорт ривожи учун нақадар катта имкониятлар мавжудлигини яна бир бор исботласа ажаб эмас.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

Маҳалланг тинч — ўзинг тинч

БЕФАРҚЛИК — ЖИНОЯТ ИБТИДОСИ

Бугун жамиятга тааллуқли ҳар қандай муаммонинг ҳам, муваффақиятнинг ҳам бир учи, албатта, фуқаролар йиғинлари фаолиятига бориб тақалади. Жумладан, эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жойларда тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида ҳам ушбу тузилмаларнинг хизмати ва ҳиссаси беқиёс.

Айни пайтда вилоятимиздаги мавжуд 924 та "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари таркибида 2510 нафар маҳалла посбонлари фаолият юритаяпти.

Сир эмас, жойларда айрим фуқароларимиз томонидан турли жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар содир этилаяпти.

Бу ўринда ички ишлар, прокуратура идоралари ходимлари томонидан таъсирчан чоралар, назорат механизмлари ишлаб чиқилиб, амалда қўлланади. Бироқ, ичкилик, гиёҳвандлик таъсирида ёхуд оддий келишмовчилик, низо, уруш-жанжал оқибатида жиноятга қўл ураётган кишилар қанча?

Табиийки, ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишда кўпроқ маҳалла ходимларининг сергаклиги, огоҳлиги, ҳушёрлиги зарур бўлади.

Вилоятимизда иш юритаётган маҳалла посбонлари ҳозирда милиция таянч пункти инспекторлари билан ҳамкорликда худди шундай воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишга ҳаракат қилишаяпти. Хусусан, ўтган 2006 йилда маҳалла посбонлари томонидан вилоят бўйича жами 28732 дан зиёд ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди, улар ёрдамида 285 та жиноят фош этилди. Аҳоли ўртасида олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида вилоятимиздаги 381 та маҳаллада умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани қувонарли ҳол. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган 924 та яраштириш комиссиялари томонидан 1971 та оила муҳокама этилиб, 1257 та оила жанжалкаш оилалар сифатида профилактик ҳисобга олинди. Ўз навбатида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳам осойишталик посбонлари иши ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Улар кўмагида вилоятимизда ўтган йили диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган 70 нафар фуқаро билан турли тарбиявий тадбирлар олиб борилиб, тўғри йўлга қайтарилди.

Айрим ҳудудларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва гиёҳвандликка рўжу қўйган шахслар сони кўпайиб бораётгани барчамизни ташвишга солади. Негаки, аксарият қинғир ишларнинг ибтидоси худди шу ҳолатга бефарқликдан бошланади. Қолаверса, мўмай даромад топиш илинжида фирибгарлар тузоғига тушиб, хорижга ноқонуний йўл билан кетаётган фуқаролар сони ҳам афсуски, ортиб бормоқда. Айниқса, улар орасида хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Бунинг оқибатида 2006 йил якунига кўра, вилоятимиз фуқароси бўлган 115 нафар аёл хорижий давлатлардан депортация қилинган.

Ҳозирда бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борадаги энг асосий вазифамиз эса, табиийки, фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат бўлади.

Жаҳонгир БЕГМАТОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ катта инспектори.

Тошкент шаҳри

Ёш полвонларимизга муносиб баҳо

СУРАТЛАРДА: *С.Новиков курашчи болалар билан; ёш полвонларимиз гиламда;*
Р.ГАЛИЕВ олган суратлар

Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда Истиқлол шарофати туфайли моҳир спортчиларимиз миллий курашимиз довруғини жаҳонга ёйишга мушарраф бўлмоқдалар. Буни яқинда Ўзбекистонга ташриф буюрган Россия Кураш федерациясининг президенти, дзюдо бўйича олимпия чемпиони Сергей Новиков ҳам алоҳида эътироф этди. Жумладан, у пойтахтдаги "Соғбон" кураш марказида бўлар экан, бу ерда машғулотлар ўтаётган болалар билан учрашиб, кураш борасидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, олимпия чемпиони ёш полвонларимиз билан мулоқотда бўлиб, уларнинг машқларини кузатиб, ўзбекистонлик ёш курашчиларнинг маҳоратига яхши баҳо берди.



Андижон вилояти

АндижонГЭС қувватини оширмоқда

Инсонлар томонидан жиловланган Қорадарё сувлари Андижон денгизида жамланиб, яна инсонларга хизмат қила бошлаганига анча йиллар бўлиб қолди. Сув омборидан қишлоқ хўжалик мақсадлари учун сув бериладиган пайтда АндижонГЭС парраклари айланиб, электр энергияси ишлаб чиқаради.

— Бугунга келиб ГЭСнинг қуввати эҳтиёжларни тўлиқ қондира олмаяпти. Шу боис биз АндижонГЭС—2ни қура бошладик, — дейди корхона раҳбари Турсунбой Мирзараҳимов. — Бунга қирқ миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Зарур жиҳозлар Хитойдан олиб келинади. Иккинчи гидроэлектростанцияни келгуси йил нурчилар байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Агар иккинчи ГЭС ҳам иш бошласа, корхонамизнинг умумий қуввати 190 минг меговаттга етади. Бу вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 38-40 фоизини ташкил этади.

Иккинчи ГЭСнинг қурилишида етакчи муҳандис ва техник ходимлардан Мирон Ким, Ҳотамжон Рўзиматов, Иброҳимжон Мирзараҳимов, Раиса Фазлиевалар фаол иштирок этишмоқда. Шу билан биргаликда улар ШаҳрихонГЭС каскади қувватини ошириш учун катта Фарғона каналига қуриладиган замонавий ГЭС лойиҳаси устида ҳам иш олиб бормоқдалар. Мазкур ГЭСнинг қуввати 60 меговаттга тенг бўлиб, у ишга тушгандан кейин каскад тумандаги электр энергиясига бўлган талабнинг эллик фоизини қоплай олади.

Ижтимоий ҳимоя йилида АндижонГЭС жамоаси хайрия ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Тополино посёлкасида истиқомат қилувчи кам даромадли, кўп болали ва ногиронларнинг оилаларига, Кампирровот маҳалласидаги қарияларга, шу ҳудуддаги мактаб, тиббиёт муассасаларига ҳомийлик қилиб келмоқда. Шунингдек, ҳудудда касаначиликни ривожлантириш мақсадида 34 нафар аёлларни доимий иш билан таъминлади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

"Лазиза-Лариса" узоғимизни яқин қилди"

— дейишмоқда "Лазиза-Лариса" хусусий корхонасининг 225-йўналиш такси қатновини йўлга қўйганидан мамнун бўлган йўловчилар.

14 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи Қоровулбозор тумани вилоят марказидан 80 километр узоқликда жойлашган. Бу ҳудудда жойлашган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, "Бухоронефтгазтаъмирлаш", Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш" ҳиссадорлик жамиятлари ва Қоровулбозор нефть-газ қидирув экспедициясида асосий қисми Ғиждувон, Шофиркон ва Вобкент туманларидан қатнаб ишловчи минглаб юртдошларимиз меҳнат қилишади.

Ишчилар учун корхоналар томонидан махсус автоуловлар ажратилган бўлса-да, бу транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қоплай олмас эди.

— Узоқ йиллар Қоровулбозор туманида ишлаганим учун йўл билан боғлиқ муаммолар менга яхши таниш, — дейди хусусий корхона раҳбари Бахтиёр Муҳамедов. — Аввалларида нафақат қўшни туманлардан, ҳатто Бухоро шаҳри марказидан ҳам Қоровулбозор туманига тўғридан-тўғри қатновчи жамоат транспорти йўқ эди. Фуқаролар манзилга бошқа шаҳарлар орқали катта қийинчиликлар билан боришарди. Шу сабабли бўлса керак, тадбиркорлик фаолиятимни аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан бошладим.

"Лазиза-Лариса" хусусий корхонасининг бу йўналишда иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Айни кунда 20 та микроавтобус, 32 та енгил автомашина "Карвонбозор-Қоровулбозор" йўналишида соат эрталаб 6 дан кечки 21 гача қатнаб, йўловчиларнинг ўз манзилларига соғ-саломат етиб олишлари учун хизмат кўрсатмоқда. Йўл ҳақини тўлашда талабаларга имтиёз берилган, фахрийлар ва ногиронлар эса текин хизматдан фойдаланадилар.

Хусусий корхона келгусида "Бухоро-Газли", "Ғиждувон-Қоровулбозор" йўналишларида ҳам транспорт қатновини йўлга қўйишни режалаштирган.

Корхона Бухоро шаҳридаги Ибн Сино номли маҳалла болалари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларига доимий равишда ҳомийлик қилиб келмоқда.

СУРАТДА: *«Лазиза-Лариса» хусусий корхонаси ходимлари.*
Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Маслаҳатчи услубхонаси

Мувофиқлаштириш нима?

бу маҳаллада соғлом маънавий, диний муҳитни таркиб топтиришнинг чора-тадбирларини кўриш демакдир

Маҳалла институтларининг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири маҳаллада олиб борилаётган диний-маърифий ишларни мувофиқлаштириб боришдан иборат. Бу вазифани амалга ошириш учун маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ташкил қилиниб, бундай фаолият қабул қилинган намунавий Низом асосида тартибга солинган. Маҳаллада диний-маърифий муҳитни мувофиқлаштириб боришни илмий-амалий ва методологик жиҳатдан такомиллаштириб боришга зарурат бор.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, маҳаллада диний ва маърифий ишларни мувофиқлаштириб боришда уч масалага диққат қилиш лозим: фуқароларда соғлом диний эътиқодни шакллантириш, диний мутаассибликнинг олдини олиш ва диний-маърифий ишларни мониторинг қилиб бориш. Соғлом диний эътиқодни шакллантиришда дин тўғрисида тўғри маълумот бериш, дин уламолари (имомлар) ва мутахассислар кўмагидан фойдаланиш, турли тадбирлар воситасида таъсир ўтказиш кабиларга диққат қилиш муҳимдир.

Диний мутаассибликнинг олдини олишда тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга таяниш, маҳалла ҳудудида дин ниқобида ноқонуний тарзда тарғибот олиб борилишига йўл қўймаслик, фуқароларнинг дин баҳонасида турли нотўғри йўлларга кириб қолиши сабабларини аниқлаш кабиларга аҳамият бериш лозим бўлади. Диний-маърифий ишларни мониторинг қилиб бориш орқали эса маҳалладаги вазиятни қайд қилиб бориш, диний мутаассибликка мойил шахслар, фуқаролар билан суҳбатлар ўтказиш, диний-маърифий ишлардаги муаммолар ва ютуқларни таҳлил қилиб бориш имконияти юзага келади.

Бу вазифалар ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни амалга ошириш маҳаллада соғлом маънавий-диний муҳитнинг таркиб топишига асос бўлади.

Кези келганда бир ҳолни таъкидлаб ўтиш лозим. Гап шундаки, "мувофиқлаштириш" бу "назорат қилиш", яъни диний эътиқодга тўсиқ қўйиш дегани ёки аксинча "динни тарғиб қилиш" ҳам дегани эмас. Мувофиқлаштириш бу маҳаллада соғлом маънавий-диний муҳитни таркиб топтиришнинг чора-тадбирларини кўришдир. Шу маънода диний-маърифий ишларни мувофиқлаштиришда эътиқод эркинлигига амал қилиниб, динга эътиқод қилувчи ва эътиқод қилмайдиган фуқароларга тенг қаралади. Мувофиқлаштиришда бирор динга устуворлик кўзи билан ҳам қаралмайди, аксинча бир неча динларнинг маҳаллада қонунчиликка асосан соғлом диний тарғибот олиб бориши кузатиб борилади. Чунки Ўзбекистон кўп конфессияли мамлакат бўлиб, баъзи маҳаллаларда фуқаролар турли динларга эътиқод қилишади.

Бу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритиб ўтиш лозим. Маҳаллалардаги диний-маърифий ишларда диний мутаассибликка йўл қўймаслик деганда, кўпчилик фақат Ислом динига эътиқод қилувчилар билан ишлашни тушунади. Лекин бунда ўзга динларга эътиқод қилувчиларнинг ҳам мутаассибликка берилиб кетишларининг олдини олиш ҳам назарда тутилиши керак. Чунки ислом, христиан, яҳудийлик ва бошқа динларга эътиқод қилувчилар орасида мутаассибликка берилиш ҳолатлари тенг учрайди.

Маҳалла ўз ҳудудидаги давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятидан хабардор бўлиш имконияти ва ваколатига эга. Жумладан, маҳалла ҳаётига кучли таъсир ўтказувчи диний ташкилотлар (масжидлар, черковлар, синагоглар, уюшмалар) фаолиятидан тўла хабардор бўлиш имкониятига эга. Диний-маърифий ишларни мувофиқлаштириб боришда айнан маҳалла ҳудудидаги диний ташкилотлар билан муносабатга киришади. Бу муносабат ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ахборот-маълумот айирбошлашга асосланади.

Насиба КОРАБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

Тизимда янги лавозим

МАСЛАҲАТЧИЛАРГА МАСЛАҲАТЧИ

"Маҳалла" жамғармасининг бўлинмалари тизимида шундай вазифани бажарувчи янги лавозим жорий этилади

Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари — фуқаролар йиғинлари тизимида нисбатан янги жорий этилган лавозим. Мамлакатимиз Президенти бунинг ташаббускори бўлган эди.

Мана орадан бир неча йил ўтиб, ушбу масъулиятли вазифага тайинланган номзодлар ўз фаолиятидаги қатор ютуқлар билан маслаҳатчилар ишининг нечоғли самарадор эканлигини намоён этишмоқда. Хусусан, маҳаллаларда ёшлар таълим-тарбиясини назорат қилиш, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда маслаҳатчиларнинг фаол иштироки яққол кўзга ташланаяпти. Ўз навбатида фуқаролар йиғинлари қошида тузилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятида ҳам шундай ижобий ҳолатларни кузатиш мумкин.

Тўғри, бугунга келиб маслаҳатчилар ва комиссиялар ишини юритиш, такомиллаштириш бўйича маълум бир тажрибалар тўпланган. Қолаверса, ушбу вазифаларда ишлаётган тизим фидойиларига турли услубий кўмак, амалий тавсиялар ҳам бериб борилаяпти. Бироқ улар билан бевосита алоқада бўлиш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериш ҳамда истиқболда маслаҳатчи фаолиятини янада такомиллаштиришда махсус мутахассислар кўмагига эҳтиёж бор.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раёсати ушбу масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, жамғарманинг туман (шаҳар) бўлинмалари тизимида хотин-қизлар комиссияси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан иш олиб борадиган бош мутахассис лавозимини жорий этишга қарор қилди. Шунингдек, раёсат қарорида мазкур лавозимда иш юритадиган ходимнинг вазифаси йўналишлари ҳам белгиланган. Хусусан, бош мутахассис ҳукуматимиз, Президентимиз Қарор ва Фармонлари ижросини таъминлашда жойларда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этиш, болалар ва оилавий спорт турларини ривожлантириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва такомиллаштириш ҳамда бошқа масалаларда комиссия ва маслаҳатчилар фаолиятига услубий ва амалий кўмак беради. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларидаги фаоллигини ошириш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш борасида ҳамда нотинч, носоғлом муҳит юзага келган оилалар билан иш олиб бориш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди.

Бир сўз билан айтганда, жамғарма бўлинмаларида иш бошлаши кўзда тутилган бош мутахассислар ҳар соҳада маслаҳатчиларга маслаҳатчи бўлишлари, шубҳасиз.

МУХБИРИМИЗ

Йил дастури ижроси — амалда

Хоразм вилояти

Ўнта, лекин ўрни бўлак

Сиз суратда кўриб турган 10 нафар ўғил-қизнинг ҳам оилада ўрни бўлак. Уларнинг катталари бир-икки йилдан сўнг олий ўқув юртларига кириш орзусида. Бири шифокор, яна бири муаллим бўлмоқчи.

Бугун мактабда таҳсил олаётганлари эса ўз зеҳну ихлоси билан келгусида катта ишларнинг бошини тутишга умид боғлаган.

Ўтган йили мактаб остонасини хатлаган Садоқат, Сунбула, Оғабек, Муштарий эса бугун аълочилар қаторида. Бир сўз билан айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва бундан кейин ҳам кам бўлмайдиган болалар улар. Аммо яна бир жиҳати борки...

Уларнинг аксарияти отаси ёки онасидан эрта жудо бўлишган. Айримлари эса чин етим. Ноилож, боқувчисиз қолганларида уларга меҳрли инсонлар ёрдамга келишди. Меҳнат фахрийси Раҳимажон Дурдиева эса уларга нажот қўлларини чўзиб, ўзининг оилавий болалар уйига ҳеч иккиланмасдан қабул қилди. Кўп ўтмай болаларнинг хаёлидан болалар уйидамиз, деган тасаввур деярли ўчди. Ўз уйим, ўз онам деган фахр пайдо бўлди.

Раҳимажон Дурдиева асли халқ таълими ходими, узоқ йиллар вилоят бошқармасида хизмат қилди. Нафақа ёшига яқинлашгач эса эзгу ниятни кўнглига тугди. Юқорибоғ қишлоғидаги анчадан буён қаровсиз қолган "Шодлик" боғчасини шахсий маблағи ҳисобига сотиб олиб, оилавий болалар уйини очишни мақсад қилди. Бунинг учун анча-мунча нарсасидан — Урганч шаҳридаги қулай иморатидан ва енгил автомашинасидан воз кечишга тўғри келса ҳам, орқага чекинмади. Уч йил бурун эса мақсадига етди. Қаровсиз жойни янгича жиҳозлаб, озода, ораста ҳолатга келтириб, зарур шарт-шароитларни яратди.

Дастлаб унинг ҳузурига уч опа-сингил Гулзода, Бекажон, Сунбул Рўзибоеваларни олиб келишди. Кейин уларнинг сафига оға-ини Умрбек, Оғабек, Наврўзбек Сафоевлар қўшилди. Бу болаларнинг ҳаммаси ҳаёт мушкулликларига жуда эрта йўлиқишган, яъни отаси ёки онасидан жудо бўлишган, қаровчисиз қолишган эди. Кейинчалик оилавий болалар уйига отадан ҳам, онадан ҳам жудо бўлган яна тўртта фарзанд қўшилди.

— Оилавий болалар уйини очишга очдиму, лекин иш бошида анча қийинчиликларга ҳам дуч келдим, — дейди Р.Дурдиева. — Аммо меҳридарё инсонлар ишимизни тушунишди, қўлидан келганча ёрдам беришди. Урганч тумани ҳокимлиги мададкор бўлди.

Кичкинтойлар Сунбул, Садоқат, Оғабек 1-синф ўқувчиси бўлганликларидан жуда мамнун. Ўзларини худди онаси бағрида, ўз уйидадек ҳис қилишмоқда.

Биз учун энг қувончли, эсдан чиқмайдиган кун — Янги йил, арча байрами бўлди, дейишди болажонлар. Шу куни улар Президент совғасини олишга мушарраф бўлишди.

Бу даргоҳда болаларнинг яхши тарбия топишлари, соғлом ўсишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Соғин сигир ва товуқлар оиланинг каму кўстини тўлдиради.

Тарбиячи Фароғат Саидризаева раҳбарлигида ўтказиладиган байрам ва тантанали тадбирлар ҳамиша сермазмун бўлади. Айниқса, болаларнинг туғилган кунларини нишонлаш анъанага айланган.

С.МАТЁҚУБОВ

Бандлик муаммоси ечими

Фарғона вилояти

Халқимиз азалдан ҳунарлини улуғлаб келган. Шу тариқа "Устоз-шогирд" мактаблари шаклланган ва ривожланган. Қўлигул усталар ҳунарни санъат даражасига кўтариб, халқимизни жаҳонга танитган. Фарғона шаҳрида ўтказилган касаначилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам бугунги кунда ушбу касб эгаларининг меҳнати қадрланаётганлигидан далолатдир.

КОСИБЛАР – КАСАНАЧИ

улар ҳам меҳнат стажига, ҳам маошга эга бўлишди

— Кўргазмага 30 турга яқин маҳсулотларимизни олиб келдик, — дейди нефтни қайта ишлаш корхонаси директори ўринбосари Акрамжон Хўжаев. — Булар орасида иш кийимлари, рўзғор учун зарур бўлган арра, теша, болта, курак, паншаҳа, темир тўқмоқдан тортиб чангаккача бор.

Меҳнатни шу хилда ташкил этиш натижасида ҳунарманд уй шароитида эркин ишлаб ҳам меҳнат стажига, ҳам маошга эга бўлади. Корхона эса арзон, пишиқ, сифатли маҳсулотлар билан истеъмолчиларни таъминлаб боради.

— Мен косиблик билан шуғулланаман, — дейди Муҳаммадқосим Орипов. — Собиржон, Авазбек деган шогирдларим билан кирза этик ва бошқа оёқ кийимлари тикамиз. Бизнинг маҳсулотларимиз бозордагидан анча арзон ва пишиқ. 25 нафар этикдўз уста корхона эҳтиёжини тўла қондиришга ҳаракат қиляпмиз.

Бугунги кунда ушбу тармоқда 140 нафар касаначи фаолият кўрсатяпти. Йил охиригача шу йўналишда яна 100 та иш ўрнини яратиш кўзда тутилган.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

ҲЎРОБАДА ИШСИЗЛАР КАМАЙМОҚДА

Фарғона туманининг Қирғизистон билан чегара ҳудудида жойлашган Ҳўроба маҳалласида кейинги 6 ой ичида имконият ва шароитдан келиб чиқиб, 24 нафар аёлнинг "Барокат" фирмасидан миникредитлар олишига кўмаклашдик.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Одинахон Охунжонова ўз уйида тикувчилик марказини очди. Туман хотин-қизлар қўмитаси мадади билан иш бошлаган бу марказда 14 нафар чевар қиз буюртмалар асосида иш бажармоқда.

Жорий йилнинг бошидан ёрдамга муҳтож оилаларни муҳофаза қилиш мақсадида ЎзЛиДеП Фарғона тумани Кенгаши билан ҳамкорликда иш бошладик. Натижада, ҳудуддаги 20 нафар кам таъминланган оила ва ногиронларни партия кенгаши ижтимоий ҳимояга олди.

Тўхтасин МАМИТАЛИЕВ,
Фарғона тумани Ҳўроба маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Наманган вилояти

Маслаҳатчи фаолиятидан

МАЪРИФАТЧИ *Маърифатхон*

Тўрақўрғон туманидаги Катта Қўрғонча маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маърифатхон Асқарова катта анжуманда номи эълон қилиниши билан ўрнидан туриб, олқишлар остида минбар томон одимлар экан қалби бир олам ҳаяжонга тўлди.

Ҳалол ва фидойи инсон ҳамиша халқ ўртасида обрў-эътибор топади. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлган Маърифатхоннинг бу соҳада фаолият юритаётганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, маҳалладошларининг энг яқин маслаҳатчисига айланиб улгурди. Дастлаб болалар боғчасида мудира, кейин қишлоқ фуқаролар йиғинида хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси вазифасида меҳнат қилган опа 2004 йилдан маслаҳатчи бўлиб ишлай бошлади.

— Маҳалламиздаги 645 хонадонда уч мингдан зиёд аҳоли яшайди, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Ҳабибулла Убайдуллаев. — Маърифатхонни каттаю кичик бирдай ҳурмат қилади. Арзимаган сабаблар туфайли ажралиш ёқасига келиб қолган 18 та оила унинг саъй-ҳаракатлари натижасида сақлаб қолинди.

Содиқ САЙҲУН,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

Бор бўлсин, ҳомийлар!

ТАДБИРКОРЛАР ТАДБИР ҚЎЛЛАДИ

бунинг самараси маҳалладошларимиз ҳаётини фаровон этишга хизмат қилаяпти

Маҳалла фаолиятида кўпчиликнинг иштирокисиз бирор ишни уддалаш мушкул. Негаки, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик кўзланган мақсадга эришишнинг энг мақбул йўли. Бунга маҳалламизда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган хайрли ишлар мисолида ҳам амин бўлишимиз мумкин.

Маҳалламиз ҳудудида боқувчисини йўқотган 10 та оила, 20 нафар 80 ёшдан ошган нуроний отахону онахон, 2 нафар уруш фахрийси, 3 нафар I гуруҳ ногирони ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа кишилар истиқомат қилади. Улар ҳолидан хабар олиш, зарур вақтда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йиғин фаолларининг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Бу борада бизга айниқса, тадбиркор фуқароларимизнинг кўмаги асқотаяпти. Ҳудудимизда фаолият юритаётган 4 та ғалла ва пахтачиликка, 16 та боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ҳамда 13 та бошқа турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар маҳалладошлари турмуши фаровонлиги йўлида турли хайрли юмушларга беминнат ҳисса қўшишаяпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида Рустам Саломов, Наби Бозоров, Баҳром Тўраев каби саховатпеша инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан 5 нафар кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол олиб берилди. Байрам тадбирлари, беллашувлар, "Энг обод кўча", "Маҳалла паҳлавони", "Энг ибратли хонадон" каби кўрик-танловлар ғолиблари ҳам тадбиркорларимиз томонидан тақдирланмоқда.

Дарвоқе, йиғинимиз бир неча йил давомида авария ҳолатидаги бинода фаолият юритиб келарди. 2006 йил сентябрь ойида тадбиркор ҳамқишлоғимиз — "Зилола пойдевори" хусусий корхонаси раҳбари Рустам Саломов қуриб берган янги бинода иш бошладик. Албатта, тадбиркорларимизнинг маҳалла билан ҳамкорликда олиб бораётган бундай хайрли ишлари талайгина.

Маҳалламизда кейинги йилларда нафақат жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, балки бирор-бир кўнгилсиз воқеа кузатилмагани қувонтиради кишини. Бу йиғин фаолларининг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашиб, масъул идоралар билан ҳамкорликда ташкил этаётган тадбирлари самараси. Насилло Тешаев, Карим Раҳимов, Норжон Самадова, Шаҳзода Темирова каби фаолларимиз ҳам маҳалладаги нотинч оилалар, ёшлар тарбияси билан шуғулланишга астойдил бел боғлаб, ижобий натижаларга эришишмоқда.

Салим АШУРОВ,
Қизилтепа туманидаги Башир маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Олам турфа

Ихтиролар ёки ...яратилгунга қадар

Игнага қадар

Қадимги аждодларимиз "тикувчилик" қилаётганда терини балиқ ёки ҳайвон суяги билан тешганлар.

Ана шундай оддий бигизларнинг тўмтоқ томони ўткир чақмоқтош билан тешилгандан сўнг игна пайдо бўлган. Суяк игналар ўрнини кейинчалик бронза, темир игналар эгаллаган. Русияда кумуш игналар ҳам тайёрланган. Европага пўлат игналарни дастлаб араб савдогарлари олиб келишган. Биринчи металл игналарнинг тешиги бўлмаган—унинг орқаси қайрилиб, ип ўтказилган.

Инкубаторга қадар

Францияда XVIII аср ўрталарида жўжа... тандирга қўйилган тухумдан чиқарилган.

Милоддан аввал Мисрда хом ғиштдан ҳамма томонлари берк (фақат тепаси туйнукли) хона қуришган ва унга 40-80 мингтача тухумни тахлаб, тагидан олов ёқишган... Тухум ҳароратини бир меъёрда ушлаб туриш ҳам катта санъат ҳисобланган. Бунинг сиридан фақат биргина қишлоқ аҳолиси хабардор бўлиб, наслдан-наслга ўтказиб боришган. Буни қарангки, мисрликларникидан ҳам қадимийроқ инкубаторлар бор экан. Австралияда «бесабр» товуқлар тухумни босиб ётмай, чирий бошлаган иссиққина хазон остига қўяр экан. Зарур ҳароратни сақлаш яъни хазонни дам очиб, дам ёпиб туриш эса хўроэнинг зиммасига тушар экан.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Тошкент вилояти

БИРЛИКдаги ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

зотдор жўжалар хориждан келтирилади...

Қибрай туманидаги Бирлик қишлоғида "Азия-агро-алянс" қўшма корхонаси ишламоқда. Ҳозирча ушбу қўшма корхонанинг 2 та цехи ишга туширилди.

Уларда парваришланаётган жўжалар — "Хай Лайн" зотидан бўлиб, Лондон шаҳридан келтирилади. Бу зотдаги товуқларнинг ҳар бири йилига 350 тадан тухум беради. Қўшма корхонада айни пайтда 100 мингдан ортиқ товуқлар мавжуд. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, жониворлар учун комбикорм озуқасини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Кунига 11 тонна комбикорм тайёрланадиган цехнинг иш бошлаши билан қишлоқ фуқаролари учун янги иш ўринлари барпо этилди. Ҳар бир товуқ кунига 116 граммдан комбикорм озуқаси истеъмол қилишини ҳисобга олганда, озуқанинг четдан келтирилмай, шу ернинг ўзида тайёрланаётгани корхона учун иқтисодий фойда келтирмоқда.

СУРАТЛАРДА: *қўшма корхона цехларидан лавҳалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар



Андижон вилояти

ИШЛАШНИ ИСТАГАНГА ИШ БОР!

Хонобод шаҳридаги "УзКоджи" Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасига ўтган бир йил давомида кам таъминланган оилаларнинг эллик нафар фарзанди доимий ишга қабул қилинди. Бугунги кунда бу ерда 650 нафар йигит-қиз иш билан банд, улар Асакадаги автомобиль заводи учун электр ўтказгичлар тайёрламоқдалар. Йил бошидан автомобилсозларга салкам қирқ минг дона ана шундай маҳсулот етказиб берилди.

— Шаҳримизда ишсизлик муаммосига барҳам бериш борасида 2005-2010 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган, — дейди шаҳар ҳокими Абдуғафур Абдураҳимов. — Уни амалга оширишда шаҳримиздаги йирик саноат корхоналари, хусусий фирмалар, маҳаллий бошқарув органлари, банк, солиқ тизимлари идоралари иштирок этмоқда. Шаҳардаги ўн иккита маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида ишсизлик даражасини ўрганиб чиқди. Ўтган йилда шаҳримизда 932 та янги ишчи ўринлари яратилди.

"УзКоджи" қўшма корхонаси бу соҳада пешқадамлик қилган бўлса, АндижонГЭСи, "Андижонкабель" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси каби корхоналарда ҳам янги иш ўринлари яратилиб, ёшлар доимий ишга қабул қилинди. Ана шу корхоналар, хусусий ишлаб чиқариш фирмалари ёрдамида уч юз нафар фуқаро касаначилик билан шуғулланмоқда.

Шаҳримизда яқинда ишга туширилган "Имкон-келажак" макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида 110 нафар аёл доимий иш билан таъминланди. Микрофирмалар ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналарида жорий йилда 170 та янги ишчи ўрни яратилди. Шу кунларда маҳалла фуқаролар йиғинлари тавсиясига асосан 60 нафар оилага имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Шаҳарда йил охиригача 1138 та янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

МУХБИРИМИЗ

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

ОТА ИСМИНИ ЎЗГАРТИРАМАНМИ?

Онам қазо қилгандан сўнг, отам бошқа аёлга уйланиб, мен тоғаларимнинг уйида яшай бошладим. Отам билан муносабатимиз анча совуқлашиб қолган. Яқинда у ўз исмини ўзгартирди. Шунга мувофиқ, энди мен ҳам ҳужжатларда ота исмини ўзгартиришим керакми?



Жавоб:

ЎН ОЛТИ ЁШГА ТЎЛМАГАНЛАР УЧУН ШАРТ

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 226-моддасига биноан, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисида хулоса ички ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин...

Шунингдек, Оила кодексининг 227-моддаси бешинчи бандига кўра, ота исмининг ўзгартирилиши унинг ўн олти ёшга тўлмаган болаларининг ота исми албатта ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Мурожаат ва муносабат

Шикоят ўрганилди, ВАЗИЯТ ОЙДИНЛАШДИ

Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Қулқишлоқ маҳалласи фуқароси Кўчимова Дилафруз таҳририятга шикоят хати йўллаб, унда 2006 йил 27 апрелда туғилган фарзандига "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа" пулини йиғин мутасаддилари айби билан ололмаётганини баён қилган эди. Таҳририят бу вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида туман ҳокимлигига мурожаат қилди ва ушбу мурожаатига жавоб хатини олди. Унда баён қилинишича, шикоят мактуби мутасаддилар томонидан ўрганилганда, қуйидаги ҳолатлар маълум бўлган:

«...Д.Кўчимова худди шу мазмундаги шикоят билан 2007 йил 27 февралда туман ҳокимлиги ва туман прокуратурасига, 2007 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Самарқанд вилоят прокуратурасига мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ҳамда Самарқанд вилоят прокуратурасининг 2007 йил 29 мартдаги 10-263-07-сонли талабномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Самарқанд вилояти Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан ушбу шикоят хати юзасидан 2007 йил 3-11 апрель кунлари тўлиқ текшириш ўтказилди.

Кўчимова Дилафруз "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа" сўраб ариза билан мурожаат қилмаганлиги аниқланган. Бундан ташқари Д.Кўчимова 2006 йилнинг 15 ноябригача тумандаги собиқ "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги аъзоси бўлган. Шу сабабли ўша вақтда нафақа тайинлаш амалдаги йўриқномаларга асосан мумкин бўлмаган.

Кўчимова Дилафруз 2005 йил декабрь ойида вояга етмаган 2 нафар фарзанди учун "Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга бериладиган нафақа" пули тайинлашни сўраб мурожаат қилган ва унга 2006 йилнинг январь-июль ойларида 6 ой муддат давомида нафақа тайинланган ва тўланган.

Бундан ташқари, шикоятчининг йиғин раиси яқин қариндошларига нафақа пулини ноқонуний тарзда тайинламоқда, деган даъвоси ҳам ўз исботини топмади.

Текшириш давомида маҳалладаги нафақа олувчи фуқаролардан 7 нафари билан учрашиб суҳбат ўтказилган. Улар нафақа тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда маҳалла раиси ёки котиби Д.Кўчимова ўз шикоят хатида келтирганидек, бир ойлик нафақа миқдорида пул талаб қилмаганликлари ҳамда тайинланган нафақа пулларини тўлиқ олиб келаётганларини ёзма равишда баён қилганлар.

Текшириш ишлари кетаётган вақтда Д.Кўчимова "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа" тайинлашни сўраб ариза билан мурожаат қилди. Д.Кўчимова оиласининг моддий ва мулкий аҳволи йиғин қошидаги махсус комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилиб, 3 ой муддатга моддий ёрдам пули ва 2007 йил апрель ойидан 2-ёшгача бўлган боласини парваришлаш учун ишламайдиган оналарга бериладиган нафақа тайинланди.

Текшириш натижаси Д.Кўчимовага ёзма равишда маълум қилинди.

Ҳ.ОҚБЎТАЕВ,
Ургут тумани ҳокими.»

ТАҲРИРИЯТ юқоридаги каби ҳолатлар, яъни йиғинларда нафақа пули тайинланиши масаласига оид шикоятларда келтирилган важлар аксарият ҳолларда ўз тасдиғини топмаётгани, натижада ортиқча қоғозбозлик ва масъул ходимларнинг беҳуда овора бўлиш ҳоллари кўплаб учрашини инобатга олиб, бу борада қуйидаги мулоҳазалар ўринли бўлади, деб ҳисоблайди. Биринчидан, йиғин раиси ноқонуний равишда ўз қариндошларига нафақа тайинламоқда, деган айблов қачонки бу даъво асосли далиллар ва тегишли ҳужжатлар билан қувватланмаса, шикоят учун асос бўлолмайди. Иккинчидан, йиғин раиси ёки бошқа масъулларнинг нафақа пули тайинлашда унинг маълум миқдорига даъво қилиши ҳақидаги шикоятлар ҳам текширилганда аксарият ҳолларда "Шундай бўлса керак-да, фалончи айтди-ку!" қабилидаги майда, гумон гаплардан иборат бўлиб чиқмоқда. Ваҳоланки, бундай мазмундаги шикоят ўз тасдиғини топмаган тақдирда, шикоятчи масъул шахсга туҳмат ва бўҳтон қилгани учун тегишли қонун талабларига биноан жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Қолаверса, бундай воқеалар маҳалладошлар таъна-дашномига ҳам сабаб бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Фахрийлар ижодидан

ЗЕБО ОШИН

(Ошин — "Ошин" телесериали қаҳрамони)

Интилганнинг ошиғи олчи,
Қойил қолдим Ошин ишига.
Токиода турмаклаб сочни,
Чирой берар аёл кишига.

Мусичадай беозор ўзи,
Саломини канда қилмайди.
Қайда бўлса, айтар чин сўзни,
Ёлғон, нордон гапни билмайди.

Меҳнат билан меҳр қозонди,
Навқирон қиз шаҳру азимда.
Кеч ётса ҳам саҳар уйғонди,
Катталарга бўлди таъзимда.

Қани энди, барча лобарлар,
Ўрнак олса зебо Ошиндан.
Бахти чиқиб, камол топарлар,
Ошиқлари ортар ўшанда.

Тўлқин КОМИЛОВ,
меҳнат фахрийси.

Аждодлар мероси

"БИЗИ МИЛЛАТ ЭМАСМУ, ИБТИДО ДУНЁНИ НУРЛОТҚОН?.."

Исмат САНАЕВ,
филология фанлари номзоди

Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли—Таржимон XIX асрнинг сўнгида Зарафшон водийсида камолга етган забардаст шоирлардан биридир.

Ижодкорнинг отаси — Давлатшоҳ ўқимишли, дунёқараши кенг, бир неча тилларнинг билимдони бўлган.

Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли 1873 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Дастлаб маълумотни отасидан олган Баҳромбек Бухоро мадрасасида ўз билимини такомилига етказган. У форс-тожик, араб ва Европанинг бир неча тилларини мукаммал билган.

Истеъдодли ва билимдон Баҳромбек бир неча йиллар давомида Бухоро Амири Саййид Абдулаҳадхоннинг таржимони бўлиб хизмат қилган. У ижод билан шуғулланган, турли мавзуларда ажойиб асарлар яратган, ўз вазифасига нисбат бериб Таржимон тахаллусини танлаган. Жадид адабиётнинг кўзга кўринган вакилларидан ҳисобланган шоирнинг "Миллий ашъори Таржимон" тўплами 1910 йилда чоп этилган.

Маърифатпарвар шоир Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли Таржимон тўғрисида ишончли ва мўътабар манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, Хожа Неъматулло Муҳтарамнинг "Тазкират уш-шуарои Муҳтарам" асарида, Пўлотжон Домулла Қайюмовнинг "Тазкираи Қайюмий" асарининг иккинчи дафтарида у ҳақда маълумотлар берилади.

Каттақўрғон ва унинг яқин атрофларида яшаган шоирларнинг асарларини тўплаган Абдулҳамид Мажидий ҳали шуҳрати элга ёйилмаган шоирлардан бири — Таржимоннинг қаламига мансуб ижод маҳсуллари ҳам қўлида борлиги тўғрисида маълумот келтирган.

Таржимон ҳозиржавоб шоир бўлган, айни вақтда миллатимизнинг маънавий бойликларини халққа тарғиб этишда жонкуярлик қилган. Қалбида миллатнинг ўтмиши билан ғурурланиш жўш урган санъаткор миллатнинг келажаги равнақи учун ҳамиша қайғурган.

XX аср бошларида нашр этилган "Шўро" журнали ўша давр адабиёти тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шоир ана шу журнал саҳифаларида миллий уйғоқликка даъват этувчи ўткир шеърларини бериб бориш билан чекланиб қолмасдан кишиларни миллий-маънавий бойликларни қадрлашга, Шарқ маънавияти хазинасидан баҳраманд бўлишга чақирган.

Бухоро босқинчилар қўлига ўтгандан кейин Баҳромбек ҳаётида қора кунлар бошланди: амирликда иззати катта, мавқеи баланд, мартабаси юксак Таржимон сарсону саргардонликка маҳкум этилди, кулфат булутлари бошидан аримади. Тақдири таҳқир таъқибига тушган шоир машаққатлар гирдобида изтироб чекишга мажбур бўлди. Тақдир сийловидан бенасиб Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли кундалик турмуш ташвишларини бартараф этиш мақсадида астойдил меҳнат қилди: турли идораларда ишлади, кун кўриш илинжида елиб-югурди.

Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли—Таржимон 1933 йилда вафот этди.

Шоирнинг 1905 йилда туғилган Ойша исмли қизи ота изидан бориб, Ойшабону, Масрур тахаллуслари билан ғазаллар битган.

Таржимоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти чуқур ўрганилмаган, адабиётшуносликда ўз илмий баҳосини олган эмас. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларидаги Зарафшон водийси адабий муҳитини ўрганиш мақсадида амалга оширган илмий тадқиқотимизда, тақдири оғир кечиб, асарлари номаълум бўлиб келган, ижодий олами мавҳумлик гирдобида қалқиган Таржимон сингари шоирларнинг ҳаёти ва ижоди билан кенг китобхонлар оммасини баҳраманд этиш мақсадида нашр қилинган баёз ва рисолаларимизда имкон қадар фикр юритиб, ўз қарашларимизни билдирганмиз.

* * *

Бизи миллат эмасму, ибтидо
дунёни нурлотқон?
Ҳамма ғафлатнинг уйқусина
ётқонларни уйғотқон?
Маданият таратқон, ҳар уруқ ва
илм тарқатқон,
Тижорат бирла машриқдин олиб,
мағриб бориб сотқон...
Келинглар, баҳс этайлик эмди
истиқболи миллатдин,
Боқиб ибрат била, ўтмиш замон
аҳволи миллатдин.

* * *

"Тек тур!", деган киши сўзиға осмайин қулоқ,
Ишга тутун, ўтурма уйингда бўлуб қўноқ.
Қўлга тутуб билим яроғин, ҳур отина мин,
Душманларимиз этмас учун бизлари улоқ...
Ишсизлик уйиға сизни ётиқ, шунинг учун.
Бизларни дер эдилар ҳам бир қўлу бир оёқ.

Муаллиф таржимаси

МУНАЖЖИМЛАР ТАЖБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳафта давомида кўп харажат қилишингиз ва узоқ муддатли молиявий шартнома тузишингиз мумкин. Шунингдек, ҳафта билим олиш, спорт билан шуғулланиш учун ҳам қулайдир.

СИГИР(22.04-20.05)
Шу кунларда ташқи кўринишингизга кўпроқ вақт ажратишга ёки ўзингизга чиройли буюмлар харид қилишга ҳаракат қилинг. Ҳафта давомида сизни муҳим учрашувлар кутмоқда.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Сизнинг одамлар билан тез мулоқотга кириша олишингиз молиявий масалаларнинг ечимини топишингизда жуда қўл келади. Ҳамкасблар билан муносабатда асабийлашманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ушбу ҳафтада куч-ғайратингизни таълим олиш, саёҳатга чиқиш ёхуд халқаро даражадаги масалаларни ҳал этишга йўналтирганингиз маъқул.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳафта давомида иккита муҳим воқеа содир бўлади. Биринчиси оилангиз билан боғлиқ бўлса, иккинчиси иш фаолиятингиз таалуқлидир.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айни кунларда ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда катталар билан муносабатда бироз қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Уларни енгиш иродангизга боғлиқ.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафта давомида моддий муаммоларни ҳал қилишингизга тўғри келади. Чоршанба ва пайшанбада эса кредит ва суғурта олиш учун қулай имконият туғилади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Мазкур бурж вакиллари ҳафта давомида кўп вақтларини ижод қилишга сарфлайди. Ҳамкорлар билан янги ва жуда муҳим бўлган лойиҳа устида иш бошлайсиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмасликка ҳаракат қилинг. Бу соғлиғингизга зиён етказиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярми ҳар соҳада омадли келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ушбу ҳафтада сизнинг ижодий фаолиятингиз муносиб баҳоланади. Бунинг натижасида янги танишлар орттиришингиз эҳтимоли бор.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда иш фаолиятингизда муҳим ўзгаришлар кутилмоқда. Оиладаги масалалар юзасидан эса сафарга чиқишингиз мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Мазкур ҳафтада касб маҳоратингизни оширишга эътибор қилинг. Кўп вақтингиз ва куч-ғайратингизнинг мақсадсиз сарфланишига йўл қўйманг.

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси тумандаги Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғини Дехаиболо маҳалласи оқсоқоли **Розиқ ЖЎРАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сирдарё вилояти

Чиғаноқ ва шоли поясидан ясалган ...санъат асари

... Ҳаёт уни сийламади, аксинча, синовларга рўбарў этди. Ўктамжон йўргакдалигидаёқ ногиронлик исканжасида қолган эди. Болалигининг беғубор дамлари кўпинча азим Сирдарё бўйида яшовчи бувисиникида ўтди.

Дарёнинг мавжланиб оқишига уйғунлашган гўзаллик уни санъатнинг нафис оламига етаклаган бўлса не ажаб. Унинг қалб кўзи табиатнинг ҳар бир кўринишида санъат даражасидаги нафосатни кўра олади. Сиртдан қараганда турфа хил тошлар, чиғаноқлар, дарёда оқиб келган дарахтларнинг илдизлари оддий нарса. Ёки ловия, макка, буғдой, шоли поялари оддий хас-хашак. Лекин ана шу оддий, ҳеч кимга кераксиз нарсалар Ўктамжонга керак: бу нарсалар яратиладиган санъат асарлари учун муҳим хом-ашё. Унинг қўлида чиғаноқлар гулларга, ўсимлик поялари ҳар хил шаклларга, мармар парчалари ёки илдизлар ажойиб ҳайкалчаларга айланиб, санъат асари даражасига кўтарилади.

— Мен болалигимдаёқ санъатга меҳр қўйдим, у билан овундим, — дейди Ўктамжон суҳбат чоғида. — Аслида, табиатнинг ўзи буюк санъаткор. Амалий санъатнинг мен шуғулланаётган тури коллаж деб номланади.

"Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз", деганларидек, Ўктамжон Шодмонқулов ўзи яшаётган Гулистон туманидаги Уч қаҳрамон қишлоғи аҳолисига радиотехниканинг барча турини, мусиқа асбоблари ва электр рўзғор буюмларини бинойидек таъмирлаб беради.

Ўктамжон тадбирли оила бошлиғи, тўрт нафар фарзанднинг отаси. Оилада муҳит шундайки, ҳеч ким вақтини бекорчи ишларга сарфламайди. Ўғил-қизларнинг барчаси отаси каби амалий санъат ишқибози. Айниқса, тўнғич қизи Гулчеҳра икки йилдан буён отамерос ҳунар билан шуғулланмоқда. У "Ташаббус — 2007" кўрик-танловининг туман босқичида "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича 1-ўринни, вилоят босқичида эса 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ўктамжон Шодмонқулов 2005-2006 йилларидаги "Ташаббус" кўрик-танловида туманда ва вилоятда биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашди. Ўшанда у пойтахтдан танлов лауреати бўлиб қайтди ва Эрон давлати элчихонасининг махсус совғаси билан тақдирланди. Россиянинг тарихий Суздаль шаҳридан келган мутахассислар уни ҳамкорлик қилиш учун ўз юртларига таклиф этдилар.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТЛАРДА: *Ўктамжон Шодмонқулов ва унинг ижодидан намуналар.*

Тошкент шаҳри

Тиниб-тинчимаган ТАШАББУСКОР

у сиҳатгоҳда даволанаётиб ҳам беллашув ташкиллади

«Чинобод» сиҳатгоҳи — республикамиздаги замонавий, кўркам дам олиш ва даволаниш масканларидан бири. Айни пайтда бу ерда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 350 нафар ёшу кекса ўз соғлигини тикламоқда.

Яқинда Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Мустақиллик маҳалласи кўчабошиси Бурхон Умиров ҳам мазкур сиҳатгоҳда дам олиб қайтди.

Ташкилотчилик, ташаббускорлик аслида маҳалла фидойиларига хос хислат. Буни қарангки, Бурхон ака шу ерда ҳам тинч ўтирмади. Маҳалласида ҳам турли тадбирларни ташкиллаштиришга одатланиб қолган бу инсон дам олувчилар ўртасида шашка мусобақасини ташкил қилди. Бу мусобақада айни пайтда сиҳатгоҳда даволанаётган 53 нафар эркак, 16 нафар хотин-қиз ўзаро куч синашди ва ғолиблар аниқланди.

Бурхон аканинг бу ташаббусини сиҳатгоҳ маъмурияти қўллаб-қувватлади ва мусобақа ғолибларини тақдирлади.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

"Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот ... истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдига қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

...Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим."

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасидан.

ШИФОКОРЛАР ҚУТҚАРУВЧИЛАРГА ҲАМКОР...

бу ҳамкорлик фавқулодда вазиятларда асқотиши аниқ

Пойтахтда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги Қарорининг изчил бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш маркази томонидан ташкилот, идора ва муассаса раҳбарларига фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этишни ташкиллаштириш, бошқариш, фуқаро муҳофазасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, фавқулодда вазиятларнинг таснифи ва шундай вазиятлар рўй берганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш юзасидан етти, ўн тўрт ва йигирма бир соатга мўлжалланган дастурлар асосида машғулотлар олиб борилмоқда.

Марказнинг айни пайтдаги тингловчилари шаҳардаги тиббиёт муассасаларининг бош шифокорларидир.

Тингловчиларда Фавқулодда вазиятлар рўй берган ўчоқларда қутқарувчилар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш ва жабрланганларга ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида Тошкент шаҳар ФВБ Авария-Қутқарув отряди ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги 050 "Қутқарув хизмати"нинг махсус қутқарув анжомлари ва техникаси кўргазмаси ташкил этилиб, қутқарувчилар ушбу техника воситалари билан ишлаш тартибларини намойиш этдилар.

Тошкент шаҳар ФВБ Матбуот гуруҳи

Ижодий беллашувлар

Қашқадарё вилояти

Бахшилар достон айтишди...

Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро "Олтин мерос" ва республика "Маҳалла" хайрия жамғармалари томонидан бахши-шоирлар, жировлар ва оқинларнинг анъанавий республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар босқичи ғолиблари ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловнинг дастлабки куни достон ва термалардан юзга яқин парчалар тингланди.

"Энг кекса ижрочи" йўналишида сурхондарёлик Қ.Умиров, "Энг ёш ижрочи" йўналишида қашқадарёлик Х.Холиқов ва "Умидли ижрочи" йўналишида қашқадарёлик С.Чубаевлар ғолиб деб топилди. Жиззахлик Н.Алимбетов, сирдарёлик Г.Гулмуродов, сурхондарёлик И.Анваров ва хоразмлик Қ.Искандаровалар бахшичилик санъатини тарғиб этиш ва ривожлантиришга қўшаётган муносиб ҳиссалари учун рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Жировлар ва оқинлар ўртасидаги танловда юқори бадиий савиядаги дастур ҳамда мукаммал ижро маҳорати учун 3-ўрин қорақалпоғистонлик Б.Сиримбетовга, 2-ўрин жиззахлик Қ.Кантўраевга насиб этди. 1-ўринга муносиб номзод топилмади.

Бахши шоирлар беллашувида 1-ўринни Қорақалпоғистон Республикасидан Т.Қалиев ва қашқадарёлик А.Бойму-родов, 2-ўринни сурхондарёлик И.Норов ва хоразмлик Е.Абдуллаев, 3-ўринни қашқадарёлик О.Чоршанбиев ва сурхондарёлик Б.Тоғаевлар қўлга киритдилар.

Ш.Тоғаев, А.Раҳимов, А.Поёнов, Б.Маматмуродов ва З.Исломов халқ оғзаки ижодида устоз-шогирдлик мактабини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари учун ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғаларига сазовор бўлишди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Самарқанд вилояти

Яқинда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро "Олтин мерос", республика "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб Ҳаваскорлик халқ театри жамоалари ва қўғирчоқ театрларининг анъанавий республика кўрик-фестивали ўтказилди.

Ҳаваскор санъаткорлар — САҲНАДА...

Мазкур кўрик-фестивални ўтказишдан асосий мақсад ҳаваскорлик театр жамоалари ва қўғирчоқ театрларининг фаолиятини янада ривожлантириш, айниқса, ёшларни театр санъатига кенг жалб этиш ва аҳолига маданий хизмат қилиш даражасини, саҳна асарларининг бадиий савиясини юксалтиришдан иборат.

Жамоалар миллий истиқлол ғояси ва ёшлар тарбиясига бағишланган асарлар, мумтоз драматурглар асарлари, халқ достонлари ва эртаклари асосида саҳналаштирилган спектакллар, театр-шоу томошалари ва пантомима асосидаги саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Кўрик-фестивал якунига кўра олий ўрин Самарқанд шаҳар Театр студиясига, биринчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар маданият уйи қошидаги халқ театрига, иккинчи ўрин Фарғона вилояти Қўқон шаҳар З.Мирзатов номидаги маданият уйи халқ театрига ва Андижон вилояти Марҳамат тумани маданият уйининг "Парвона" халқ театрига ҳамда Хоразм вилояти Урганч тумани маданият уйи қошидаги халқ театрига, учинчи ўрин Сурхондарё вилояти Узун тумани маданият уйи қошидаги халқ театри, Наманган вилояти Янгиқўрғон туман маданият саройи қошидаги халқ театри ва Бухоро вилояти Жондор туман Марказий маданият уйи қошидаги "Эътиқод" халқ театрига берилди.

Қўғирчоқ театрлари беллашуви бўйича биринчи ўринга Жиззах шаҳри маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги қўғирчоқ театри, иккинчи ўринга Тошкент шаҳар Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги "Шум бола" қўғирчоқ театри, учинчи ўринга эса Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар 2-сон маданият уйи қошидаги халқ театри жамоаси сазовор бўлди.

Ғолиблар эсдалик совғалари, диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ

Утерянный аттестат о среднем образовании за номером O'R-B 067725 выданный 2000 году школой № 278 г.Ташкента на имя Махкамова Азиза Бахтиеровна считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 03-01/5530 (реест № 03-7961) выданный 1993 г. 25 февраля на право собственности на квартиры на имя Мереновой Любови Яковлевне считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 15-05/1658, (реестр № 137536) на право собственности на квартиру на имя Мирвалиева Турсуной считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 01-01/998 на право собственности на квартиру на имя Алимов Тальат Каримович считать недействительным.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "YAKKASAROY" АЖ акциядорлари диққатига! Ўзингиздаги мавжуд акцияларни бир ой муддат ичида қайта рўйхатдан ўтказишингизни сўраймиз. Манзил: Тошкент шаҳар, Қоракум кўчаси 18-уй.

ЧП "GLAMOUR LUX" Юнусабадского р-на ликвидируется. Претензии принимаются в течении месяца по адресу: ул. Ж.Абидова, 57. Тел: 134-55-15

Утерянный диплом К № 066711 выданный в 2004 г. Хамзинским професионально-строительским коллежем на имя Анварбекова Жамолиддина Хамбарбековича считать недействительным.

Тошкент Фармацевтика институти томонидан 1992 йилда Атаниязов Шухрат Шехович номига берилган ФВ 947825 (рўй.рақ. 9809) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Частная производственная фирма "OSIYO DAVRON" (код по ОКПО 18989572) М.Улугбекского р-на г.Ташкента сообщает о преобразовании в частное предприятие "OSIYO DAVRON". Увеличивается уставной фонд с 10 000 (десяти тысяч) сум до 1300000 (один миллион тристо тысяч) сум. Тел: 131-67-78

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **136-53-93**
Тел/Факс: — **133-44-25**
Масъул котиб: **136-53-75**
Котибият — **136-55-69**
Хатлар бўлими: **136-57-62**

2007 йил 2 май 18 (568)

15842 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-420 23456 **Топширилди — 21.**